

Сизчи?

11:45 / 27.03.2017 2423

Салаф солиҳларнинг ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, улар суннатга амал қилиш борасида бизга гўзал намуна бўлишган. Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳ: "Қайси ҳадисни ёзиб олган бўлсам, унга амал қилганман", деганлар. Шунини эслатиб ўтиш лозимки у киши йиққан ҳадис тўпламидаги ҳадисларнинг сони 40 мингга етади. Демак шунча ҳадисга амал қилган эканлар.

Суннатга амал қилиш борасида Аҳмад ибн Ҳанбал: "Агар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сочларини мана бундай қирганлар, деган маънодаги ҳадисни эшитсанг, сочингни бир толасини бўлса ҳам худди Пайғамбаримиз қирганларидек қиргин", деганлар.

Инсон бир кун бўлсада ўз суюкли Пайғамбари билан бирга яшаб, сўзида, амалида, юриш-туришида, инсонлар билан бўлган муомаласида, унга рўбаро бўлган муаммонинг ечимида у зотдан ўрнак олиб, суннатларига эргашиб яшаса қандай ҳам улуғ бахт бўлади. Ахир нимага улуғ бахт бўлмас экан, у инсониятнинг афзали бўлмиш Пайғамбаримиздек улуғ зотга ўхшаб яшашга уринди, у зот қилган ишларни қилди. Агар шунини бахту саодат демасак, унда нимани бахт дейиш мумкин?!

Сизчи, азиз диндош биродарим? Бир синаб кўринг! Ҳеч бўлмаганда умрингизнинг бир кунини оламларга раҳмат бўлиб келган зот Пайғамбаримиздек ўтказинг!

Валий зотлардан бири уйига келганида аёли хомуш бўлиб: "Уйимизда ҳеч вақо қолмади", деганда ҳалиги валий зот хурсанд бўлиб, Аллоҳга ҳамд айтган экан. Бу ҳолатдан ажабланган аёли: "Уйда ҳеч вақо қолмади десаму сизнинг хурсанд бўлишингиз нимаси", деб сўрабди. Валий зот кўзида қувонч ёшлари билан: "Аллоҳга шукрки бир кун бўлса-да уйимиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларида ўхшабди", деган экан.

Абу Абдуллоҳ Бухорий

